

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ**

БУХОРО ВИЛОЯТИ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

**БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ
СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ**

**2017 ЙИЛ
ЯНВАРЬ-ДЕКАБРЬ**

Бухоро – 2018 й.

СЎЗ БОШИ

Бухоро вилоятининг статистик ахборотномаси Бухоро вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи Бухоро вилояти статистика бошқармасининг чорақлик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2017 йил январь-декабрь ойлари яқунлари бўйича Бухоро вилоятининг асосий статистик кўрсаткичларичоп этилган.

Ушбу нашрда, ҳисобот даври учун статистик кўрсаткичлар биринчи марта Европа ҳамжамиятининг Иқтисодий фаолият турлари статистик таснифлагичига (NACE Rev.2) асосланган Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фаолият турлари умумдават таснифлагичи (2 таҳрир) бўйича шакллантирилган ва тақдим этилган.

Шу билан бирга, мавжуд фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ-2 талаблари қўлланилган. Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларига қайташакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турлари ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш, қурилиш (таснифлагичнинг В,С,Д,Е,Ғ секциялари).

Шунингдек, халқаро статистика амалиётига мувофиқ, иқтисодий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, Ялпи ҳудудий маҳсулот тузилмасидаги фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ялпи кўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯҲМ ҳажмидан маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар таъсири чиқариб ташланган).

Нашр 10 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиқтисодий индикаторларни, шунингдек ялпи ҳудудий маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти, инвестицион фаоллик, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, саноат, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.

Статистик ахборотномада саноат, қурилиш, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, транспорт, ички ва ташқи савдо, улгуржи ва чакана савдо, меҳнат ва демографик ҳолат тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар кенг ёритилган.

Дастлабки ҳисобларга асосан келгусида аниқлик киритилиши мумкин бўлган кўрсаткичлар келтирилмоқда.

Қисқартма ва шартли белгилар

ЯҲМ	–	ялпи ички маҳсулот	л.	–	литр
%.	–	фоиз	0,0	–	катта бўлмаган миқдор
млрд.	–	миллиард	м.	–	марта
млн.	–	миллион	–	–	кўрсаткичнинг йўқлиги
млн.АҚШ долл.	–	миллион АҚШ доллари	га.	–	гектар
кв.	–	квадрат	тн.	–	тонна
км.	–	километр	1), 2), 3), , , ,	–	изоҳнинг мавжудлиги
м.	–	метр			

МУНДАРИЖА

Номи	Бет.
Асосий иқтисодий кўрсаткичлар	7
I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ	8
Ялпи худудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби	8-9
II. САНОАТ	10-11
Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш	12-13
III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ	14
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши	15-18
Худудлар кесимида асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш	19-20
Хўжалик тоифалари бўйича чорва моллари ва паррандалар бош сони	20
Худудлар кесимида асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш	20-22
Чорва моллари ва паррандалар бош сони	22-24
Ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари	24-25
Фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	25
IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ	26
Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган	26
Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби	27
Ижтимоий соҳа объектларини қуриш	28-29
V. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК	30
Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши	31
VI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ	32
Рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича	32-33

Худудлар бўйича корхона ва ташкилотлар сони	33-35
Кичик корхоналар ва микрофирмалар (бизнес) сони	35
VII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР	36
МДҲ ва бошқа давлатлар кесимида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси	37
Экспорт-импорти таркиби	37-38
Ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси	39
МДҲ мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси	40
VIII. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА	41
Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади	41
Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси	42
IX. ХИЗМАТЛАР	43
Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси	43
Савдо айланмаси таркиби	44
Кўрсатилган хизмат турлари бўйича (амалдаги баҳоларда)	44-45
X. ДЕМОГРАФИЯ ВА МЕҲНАТ	46
Аҳолининг табиий ҳаракати	47-48
Меҳнат ресурслари ва аҳолининг иш билан бандлиги	48
Доимий аҳоли сони	48
Тузилган никоҳлар сони	49
Никоҳдан ажралишлар сони	49

**Асосий иқтисодий кўрсаткичлар
2017 йил январь-декабрь**

	<i>Ўлчов бирлиги</i>	<i>2017 йил январь- декабрь</i>	<i>2016 йил январь-декабрга нисбатан, фоиз ҳисобида</i>
Ялпи ҳудудий маҳсулот	<i>млрд. сўм</i>	12283,9	101,7
Саноат маҳсулоти	<i>млрд. сўм</i>	6353,1	100,8
Истеъмол товарлари	<i>млрд. сўм</i>	2866,3	97,4
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	<i>млрд. сўм</i>	5775,3	101,6
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	<i>млрд. сўм</i>	11008,9	151,7
Қурилиш ишлари	<i>млрд. сўм</i>	2423,2	101,4
Юк айланмаси	<i>млн. тн-км</i>	1764,5	100,2
Йўловчи айланмаси	<i>млн. йўловчи-км</i>	9512,7	102,5
Чакана товар айланмаси	<i>млрд. сўм</i>	6581,0	100,4
Хизматлар, жами	<i>млрд. сўм</i>	5364,1	103,6
Ташқи савдо айланмаси	<i>млн. АҚШ долл.</i>	866,5	121,7
Экспорт	<i>млн. АҚШ долл.</i>	197,5	76,0
Импорт	<i>млн. АҚШ долл.</i>	669,0	147,9
Сальдо (+;-)	<i>млн. АҚШ долл.</i>	- 471,5	x

I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ


Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил январь-декабрда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 12283,9 млрд. сўмни ташкил этди ва 2016 йилнинг январь-декабрга нисбатан ўсиш суръати 101,7 фоизга тенг бўлди.

Январь-декабрь ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби


	млрд.сўм		2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
	2016 йил	2017 йил	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	10441,7	12283,9	101,7
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	9483,6	11167,2	101,8
Маҳсулотларга соф солиқлар	958,1	1116,7	100,5
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	9483,6	11167,2	101,8
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2740,4	3463,2	101,6
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	2910,3	3282,3	99,5
саноат	1925,6	2199,1	98,5
қурилиш	984,7	1083,2	101,4
Хизматлар	3832,9	4421,7	103,8
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1014,5	1162,1	98,6
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	1008,6	1094,3	104,1
бошқа хизматлари	1809,8	2165,3	106,5

Январь-декабрда ялпи худудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда)

2016 йил



2017 йил



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган холда)
- Хизматлар

Жорий йилнинг январь-декабрь ойларида вилоятнинг ялпи худудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири хизматлар (103,8 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (101,6 %), қурилиш ишлари (101,4 %) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 69,8 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2016 йил январь-декабрда 70,8 фоизни ташкил қилган.

2017 йил январь-декабрда ялпи худудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 39,6 фоиз (2016 йил январь-декабрда 40,4 фоиз) ни ташкил қилди.

II. САНОАТ

2017 йил январь-декабрда саноат маҳсулоти ҳажми 6353,1 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 100,8 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 2866,3 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2016 йил январь-декабрга нисбатан 97,4 фоизни ташкил этди. Жумладан, 1379,4 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва 1486,9 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2016 йил январь-декабрга нисбатан мос равишда 97,2 фоиз ва 97,6 фоиз) ишлаб чиқарилди.


Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2017 йилнинг январь-декабрь ойларида 82,9 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

2017 йил январь-декабрда иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	6353,1	100,8
Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш	509,0	92,0
<i>улардан:</i>		
Кўмир ва лигнит, хом нефт ва табиий газ қазиб олиш	313,4	96,7
Тоғ- кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият	14,7	103,7
Тоғ- кон саноати соҳасидаги техник хизматлар	180,9	83,8
Ишлаб чиқарадиган саноат	5559,5	101,5
<i>ундан:</i>		
Озиқ- овқат маҳсулотлари, ичимликлар тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1498,2	98,5
Ичимликлар ишлаб чиқариш	45,7	106,7
Тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	1037,8	105,9

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Кийим ишлаб чиқариш	201,0	80,9
Тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	9,4	155,2
Ёғоч ва пўкак буюмлар (мебелдан ташқари), похол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш	4,7	85,6
Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш	42,9	105,3
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	4,7	73,6
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1803,5	101,5
Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	227,5	106,9
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	5,4	82,2
Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	35,2	95,4
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	364,7	106,2
Металлургия саноати	4,6	72,5
Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	215,5	113,7
Мебел ишлаб чиқариш	56,2	112,8
Бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш	2,5	74,8
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	214,1	105,7
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	70,5	103,6
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	2866,3	97,4
<i>шу жумладан:</i>		
озик-овқат товарлари	1379,4	97,2
ноозик-овқат товарлари	1486,9	97,6

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш (умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида)
(январь-декабрь)



- Ишлаб чиқарадиган саноат
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
- Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш
- Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулот турларини ишлаб чиқариш (йирик корхоналар бўйича)

	Ўлчов бирлиги	2017 йил январь-декабрь	2016 й январь-декабрга нисбатан %
--	---------------	-------------------------	-----------------------------------

Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш

Нефт	минг тн.	21,4	100,6
Табиий газ	млн.м.куб	5028,9	97,0
Газ конденсати	минг тн.	56,3	91,4

	Ўлчов бирлиги	2017 йил январь- декабрь	2016 й январь- декабрга нисбатан %
--	------------------	--------------------------------	---

Ишлаб чиқарадиган саноат

Бензин	минг тн.	794,1	96,7
Дизел ёқилғиси	минг тн.	589,2	108,4
Мазут	минг тн.	77,9	102,8
Керосин	минг тн.	132,8	102,5
Суюлтирилган газ	минг тн.	8,7	116,0
Арок	минг л. 100% спирт	1795,3	99,3
Узум виноси ёки узум турпини дистиллаш натижасида олинган спирт настойкалари, коньяк спиртидан ташқари	минг л. 100% спирт	27,1	135,5
Узум виноси	минг л.	881,3	101,3
Юмшоқ буғдой ва спельта уни	минг тн.	76,2	102,9
Биринчи навли ундан тайёрланган буғдой нони, оғирлиги 600 г (буханка)	тн.	3927,4	80,1
Тозаланган ўсимлик ёғи	тн.	25432,0	99,9
Омихта ем	тн.	37685,0	108,4
Пахта толаси	минг тн.	110,2	99,0
Пахта чигити	минг тн.	155,2	101,1
Пахта (линти)	тн.	10246,0	113,5


Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш

Буғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси)	минг Гкал.	812,8	105,5
---------------------------------------	------------	-------	-------

III. ҚИШЛОҚ, ҶРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ


2017 йилнинг январь-декабрида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 5775,3 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 101,6 фоизнишу жумладан ялпи деҳқончилик маҳсулотлари 3512,5 млрд. сўмни (99,0 фоиз), ялпи чорвачилик маҳсулотлари 2157,1 млрд. сўмни (105,4 фоиз), қишлоқ хўжалигида кўрсатилган хизматлар ҳажми 73,1 млрд. сўмни (101,6 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 21,3 млрд. сўмни (112,8 фоиз), овчилик хўжалигида 0,3 млрд. сўмни (100,4 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 11,0 млрд. сўмни (94,7 фоиз) ташкил қилди.

2017 йилнинг январь-декабрида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар)нинг ҳажми



Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таркибий тузилишида энг юқори улуш деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келади (умумий ҳажмга нисбатан 67,1 фоиз).

**Январь-декабрда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг
хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши
(январь-декабрь)**



Дехқончилик. Дастлабки маълумотларга кўра, жорий йилда барча тоифадаги хўжаликлар 239239 гектар майдонда деҳқончилик билан шуғулланиб, шундан жами дон 91031 гектарни, шу жумладан, бошоқли дон 90597 гектарни, шундан буғдой 90389 гектарни, маккажўхори дон учун 396 гектарни, шоли 3 гектарни, дуккакли дон экинлари 35 гектарни, техникэкинлар жами 106494 гектарни, шу жумладан, ғўза майдони 106014 гектар мойлиэкинлар 397 гектар, картошка 4321 гектарни, сабзавотлар жами 10343 гектарни, полиз 2276 гектарни, сабзавот экини уруғзорлари 3 гектарни, озука экинлари 24771 гектарни, бундан ташқари мевалар вarezavorлар майдони 12663 гектарни ҳамда тоқзорлар 10112 гектарни ташкил этди.


Ҳосилни йиғиб олиш. Барча тоифадаги хўжаликларда 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига жами дон 632612 тонна (2016 йил шу давриганаисбатан 7,5 фоизга кам), шу жумладан, бошоқли дон 590447 тонна (8,8 фоизга кам), шундан буғдой 546369 тонна (2,3 фоизга кам), маккажўхори дон учун 33468 тонна (1,3 фоизга кам), дуккакли донлар 5787 тонна (3,7 м.к.), пахта хом-ашёси 310825 тонна (4,6 фоизга кам), картошка 200935 тонна (1,6 фоизга кўп), сабзавот 694836 тонна (5,4 фоизга кўп), полиз 144782 тонна (3,5 фоизга кўп), мева 269574 тонна (0,8 фоизга кўп), узум 188967 тонна (2,8 фоизга кам) етиштирилди.

2017 йилнинг январь-декабрида хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

	Фермер хўжаликлари		Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташиқлотлар	
	минг тонна	ўсиш суръати, фоизда	минг тонна	ўсиш суръати, фоизда	минг тонна	ўсиш суръати, фоизда
Дон	397,4	94,9	231,9	88,3	3,3	133,7
Картошка	14,7	96,9	186,0	101,9	0,2	123,6
Сабзавотлар	139,1	112,1	552,1	103,9	3,6	100,5
Полиз	37,6	105,3	106,5	102,6	0,7	2,1 м.к.
Мевалар ва резаворлар	132,1	106,1	136,1	96,1	1,4	90,8
Узум	80,0	95,3	108,5	98,8	0,5	71,0

2017 йилнинг январь-декабрида ҳудудлар кесимида асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Дон (тонна)



Картошка (тонна)



Сабзавотлар (тонна)



Полиз (тонна)



Мевалар ва резаворлар (тонна)



Узум (тонна)



Чорвачилик. Келгусида чорвачилик соҳасининг имкониятларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилиши ҳамда давлат томонидан кўрсатилаётган тизимли қўллаб-қувватлашлар натижасида қорамоллар бош сонининг ўсишига, ички истеъмол бозорларининг чорвачилик маҳсулотлари билан тўйинишига имкон яратди.

**2018 йил 1 январь ҳолатига хўжалик тифлари бўйича
чорва моллари ва паррандалар бош сони**



	Фермер хўжаликлари		Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	минг бош	ўсиш суръати, фоизда	минг бош	ўсиш суръати, фоизда	минг бош	ўсиш суръати, фоизда
Йирик шохли қорамоллар	62,8	103,0	1114,1	100,3	12,1	155,1
<i>шу жумладан:</i> сигирлар	18,1	104,0	362,9	100,2	3,5	109,4
Кўйлар ва эчкилар	224,9	106,4	1706,7	103,1	135,4	76,8
Паррандалар	220,6	115,7	2525,1	106,8	987,7	81,0

Умумий бош сонга нисбатан деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 93,7 фоизни, фермер хўжаликларида – 5,3 фоизни ташкил этди, сигирлар мос равишда – 94,4 ва 4,7 фоизни, кўйлар ва эчкилар – 82,6 ва 10,9 фоизни, паррандалар – 67,6 ва 5,9 фоизни ташкил қилди.

**2018 йил 1 январь ҳолатига ҳудудлар кесимида
чорва моллари ва паррандалар бош сони**


Йирик шохли қорамоллар (минг бош)

шу жумладан: сигирлар (минг бош)



Қўйлар ва эчкилар (минг бош)

Паррандалар (минг бош)




2017 йилнинг январь-декабрида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазнда 222,2 минг тонна гўшт (2016 йилнинг январь-декабрига нисбатан 6,2 фоизга кўп),

907,1 минг тонна сут (6,4 фоизга кўп), 365,4 млн. дона тухум (5,1 фоизга кўп), 3,9 минг тонна жун (2,8 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.

2017 йилнинг январь-декабрида хўжалик тифалари бўйича асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

	Фермер хўжаликлари		Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташилотлар	
	Миқдори	ўсиш суръати, фоизда	Миқдори	ўсиш суръати, фоизда	Миқдори	ўсиш суръати, фоизда
Гўшт, тирик вазнда, минг тонна	5,9	104,1	214,2	106,3	2,1	101,6
Сут, минг тонна	38,4	108,0	864,5	106,1	4,2	182,3
Тухум, млн. дона	10,2	172,7	241,0	112,9	114,2	89,0
Жун, минг тонна	0,3	126,2	3,4	101,4	0,2	95,8

2017 йилнинг январь-декабрида ҳудудлар кесимида асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш



Тухум (млн. дон)**Жун (тонна)**

Дехқончилик. Вилоятда 2018 йил 1 январь ҳолатида давлат хирмонига 170,9 минг тонна ғалла топширилди. Шартномавий режа 103,3 фоизга уддаланди. Бундан ташқари келгуси йил ҳосили учун 16,4 минг тонна уруғлик дон ҳам тайёрланди.

Барча тизим хўжаликларида асосий ва такрорий экиндан 632,6 минг тоннадон етиштирилди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 51,0 минг тоннага ёки 7,5 фоизга кам.

2018 йил 1 январь ҳолатига барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 590,4 минг тонна бошоқли дон, шундан 546,4 минг тонна буғдой ишлаб чиқарилди.

Вилоят бўйича жами 200,9 минг тонна картошка (2016 йил шу даврига нисбатан 1,6 фоизга кўп), 694,8 минг тонна сабзавот (5,4 фоизга кўп), 269,6 минг тонна мева (0,8 фоизга кўп), 144,8 минг тонна полиз (3,5 фоизга кўп), 189,0 минг тонна узум (2,8 фозга кам) етиштирилди.

Дехқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда деҳқон хўжалиklarининг салмоғи юқори бўлмоқда, жумладан жами етиштирилган картошканинг 92,6 фоизи, сабзавотнинг 79,5 фоизи, полиз маҳсулотларининг 73,6 фоизи, узумнинг 57,5 фоизи ва меванинг 50,5 фоизи улар ҳиссасига тўғри келди.

Чорвачилик. 2018 йил 1 январь ҳолатига барча тоифадаги хўжаликлар томонидан йирик шохли қорамоллар 1189,0 минг бошни, (ўтганйилнингшу даврига нисбатан 0,8 фоизга кўп), шу жумладан, сигирлар 384,5 минг бошни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,4 фоизга кўп), қўй ва эчкилар 2067,0 минг бошни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,2 фоизга кўп), паррандалар 3733,4 минг бошни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,1 фоизга кам) ташкил этди.

2018 йил 1 январь ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони

	<i>минг бош</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>
Йирик шохли қорамол	1189,0	100,8
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	62,8	103,0
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1114,1	100,3
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	12,1	155,1
улардан сигирлар	384,5	100,4
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	18,1	104,0
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	362,9	100,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	3,5	109,4
Куй ва эчкилар	2067,0	101,2
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	224,9	106,4
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1706,7	103,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	135,4	76,8
Отлар	4,8	106,1
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	0,8	144,3
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	3,7	100,4

	<i>минг бош</i>	<i>ўсиши суръати, %</i>
--	-----------------	-----------------------------

Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар

0,3

105,4

Паррандалар

3733,4

98,9

шу жумладан:

Фермер хўжаликлари

220,6

115,7

Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари

2525,1

106,8

Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар

987,7

81,0

Барча худудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши, асосан деҳқон хўжаликлари ҳисобидан бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 96,4 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 95,3 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 65,9 фоизни ташкил қилди.

2017 йил январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари

	<i>миқдори</i>	<i>ўсиши суръати, %</i>
--	----------------	-----------------------------

Гўшт (тирик вазнда), минг тн.

222,2

106,2

шу жумладан:

Фермер хўжаликлари

5,9

104,1

Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари

214,2

106,3

Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар

2,1

101,6

Сут, минг тн.

907,1

106,4

шу жумладан:


Фермер хўжаликлари

38,4

108,0

	миқдори	ўсиши суръати, %
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	864,5	106,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	4,2	182,3
Тухум, млн. дона	365,4	105,1
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	10,2	172,7
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	241,0	112,9
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	114,2	89,0

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби
(ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида)
(январь-декабрь)



Фермер хўжаликлари. 2018 йилнинг 1 январь ҳолатида фермер хўжаликларида 62,8 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 18,1 минг бош сигир, 224,9 минг бош қўй ва эчкилар, 220,6 минг бош паррандалар мавжуд бўлиб, 2016 йил январь-декабрь ойларига нисбатан йирик шохли қорамоллар сони 3,0 фоизга, қўй ва эчкилар 6,4 фоизга, паррандалар 15,7 фоизга кўпайган.

2017 йил январь-декабрь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

	2016 йил январь-декабрь		2017 йил январь-декабрь		ўсиш суръати, %
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Гўшт, тирик вазнда	5651	2,7	5881	2,7	104,1
Сут	35594	4,2	38435	4,2	108,0
Тухум, минг дон	5891	1,7	10173	2,8	172,7
Қорақўл тери, дон	32313	7,7	34265	7,9	106,0
Жун	256	6,8	323	8,4	126,2
Пилла	2779,5	89,7	1739,9	93,8	62,6
Бошоқли дон	416618	64,4	390282	66,1	93,7
шундан: бугдой	372534	66,6	369493	67,6	99,2
Картошка	15188	7,7	14718	7,3	96,9
Сабзавот	124063	18,8	139100	20,0	112,1
Полиз	35685	25,5	37561	25,9	105,3
Мева ва резаворлар	124432	46,5	132081	49,0	106,1
Узум	83940	43,2	79969	42,3	95,3


IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2017 йил январь-декабрь ойларида вилоятнинг асосий капиталини қўпайтиришга 11008,9 млрд.сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 151,7 фоизни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	яқунга нисбатан фоиз
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	11008,9	151,7	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
Марказлашган инвестициялар:	951,7	99,1	8,6
бюджет маблағлари	97,3	114,6	0,9
болалар спортини ривожлантириш жамғармаси	19,8	203,3	0,2
давлат мақсадли фонд маблағлари	206,6	94,9	1,8
ривожланиш ва тараққиёт жамғармаси	189,6	-	1,7
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	438,4	67,7	4,0
Марказлашмаган инвестициялар	10057,2	159,8	91,4
корхоналарнинг ўз маблағлари	1281,6	65,9	11,6
аҳоли маблағлари	639,9	95,1	5,8
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	7806,9	235,8	70,9
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	317,2	102,9	3,0
бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар	11,6	82,4	0,1

Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари
(январь-декабрь)



2017 йил январь-декабрда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби


млрд. сўм

	<i>жами</i>	<i>Давлат</i>	<i>Нодавлат</i>
Жами	11008,9	802,5	10206,4
<i>шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида</i>			
қурилиш-монтаж ишлари	77,8	85,1	77,3
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	5,6	12,6	4,9
Бошқа ҳаражатлар	16,6	2,3	17,8

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибида қурилиш ва монтаж ишларининг улуши 2016 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 2,1фоизга ошган ва машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 2,6фоизга камайган, бошқа ҳаражатлар 0,5 фоизга ошган.

Асосий капиталган киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

(январь-декабрь)



Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 827,5 млрд.сўм ёки 61,7 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилган. 2017 йилнинг январь-декабрь ойларида умумий майдони 825,8 минг кв.м. бўлган 5906 та уй-жой (ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 101,1 фоиз), шу жумладан, қишлоқ жойларида 667,6 минг кв.м. (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 106,1 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди.

Умумтаълим мактабларини қуриш ва қайта таъмирлашга 33,5 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 4,0 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 46,4 фоизини ташкил қилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 79,6 км. узунликдаги ичимлик суви, 11,5 км. узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2016 йил январь-декабрга нисбатан мос равишда 101,1 ва 62,8 фоизни ташкил қилди. Ишга туширилган умумий ичимлик сув тармоқларининг 72,2 км. ёки 94,7 фоизи ва газ тармоқларининг 10,5 км. ёки 57,4 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 14,1 млрд. сўм, аҳоли маблағлари ҳисобидан 0,5 млрд. сўм (3,3 фоизи), газ тармоқлари қурилишига

0,2 млрд. сўм, инвестициялар ўзлаштирилди, бу 100,0 фоиз аҳоли маблағлари ҳисобига тўғри келди.

Қурилиш фаолияти. 2017 йил январь-декабрда 2423,2 млрд. сўмлик қурилиш пудрат ишлари бажарилиб, 2016 йил январь-декабрга нисбатан ўсиш суръати 101,4 фоизни ташкил этди.



Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 59,5 фоизи янги қурилиш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, 40,5 фоизи капитал, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишларига тўғри келади.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 2277,1 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, қурилиш ишларининг умумий ҳажмида 94,0 фоизни (2016 йил январь-декабрга нисбатан 0,6 фоизга камайди) ташкил қилди.

**Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг
ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти**
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

2016 йил январь-декабрь

2017 йил январь-декабрь



- Давлат мулки
- Фуқаролар хусусий мулки
- Хўжалик бирлашмалари мулки
- Қўшма корхоналар, чет эл фуқаролари ва ташкилотлар мулки
- Бошқа мулкчилик шакллари

V. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

2018 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 13495 тани ташкил қилди.

2017 йил январь-декабрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 69,8 фоизи (2016 йил январь-декабрда 70,8 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2017 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

648,4 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 78,5 фоизи), шундан банд бўлганларнинг 358,1 минг нафари яқка тартибдаги тадбиркор, 125,5 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 2758,8 млрд. сўми (жами саноат ишлаб чиқаришининг 43,4 фоизи) ёки 2016 йилнинг январь-декабрига нисбатан 98,3 фоизни ташкил қилди;

- 5727,2 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиklarининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 102,3 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиklари ялпи маҳсулотининг 99,2 фоизи) ташкил қилди.

- 921,6 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 8,4 фоизи) ўзлаштирилди

- 1643,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 67,8 фоизи) бажарилди ва 2016 йилнинг январь-декабрига нисбатан 2,0 фоизга кўпайди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 6,3 фоизга (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 75,6 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 3,0 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 97,9 фоизи) кўпайиши таъминланди;


- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 91,2 фоизи ёки 6000,2 млрд. сўми (ўсиш 15,3 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 74,8 фоизи ёки 4015,3 млрд. сўми (пасайиш 0,5 фоиз) шакллантирилди.

- 80,1 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 40,5 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 99,3 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 14,8 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

2017 йилнинг январь-декабрда кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида</i>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	5727,2	100,0
Саноат	2758,8	63,2
Қурилиш	1643,5	59,8
Чакана савдо	6000,2	91,2
Юк ташиш, млн тн.	60,8	38,6
Йўловчи ташиш, млн киши	272,7	83,8
Экспорт, млн. АҚШ долл.	80,1	0,5
Импорт млн. АҚШ долл.	99,3	13,0

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодий тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



VI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (деҳқон ва фермер хўжалиқларисиз) 16538 тани ташкил қилиб, шундан 15625 таси ёки 94,5 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 3714 та (22,5 фоизи), саноат 2433 (14,7 фоизи), қурилиш 1617 та (9,8 фоизи), ташиш ва сақлаш 1085 та (6,6 фоизи), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 1028 та (6,2 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2018 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
Жами	16538	100,0	15625	100,0
<i>шу жумладан:</i>				
қишлоқ, ўрмонвабалиқ хўжалиғи	1647	10,0	1499	9,6
саноат	2433	14,7	2309	14,8
қурилиш	1617	9,8	1505	9,6
савдо	3714	22,4	3472	22,2
ташиш ва сақлаш	1085	6,6	1028	6,6
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1028	6,2	961	6,2
ахборот ва алоқа	211	1,3	198	1,3
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	435	2,6	428	2,7
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	4368	26,4	4225	27,0

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 87,3 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 20,3 фоизи хусусий корхоналар, 0,5 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,2 фоизи акциядорлик жамиятлари, 63,1 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича(умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида)



2017 йил январь-декабрда жами 2107 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари 1993 та). Уларнинг асосий қисми Бухоро шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 33,0 фоизи), Гиждувон (11,2 фоиз), Ромитан (9,3 фоиз), Бухоро (6,6 фоиз), Пешку (6,1 фоиз), Когон (5,4 фоиз), Жондор (5,5 фоиз), Шофиркон (5,5 фоиз), Қорақўл (4,4 фоиз), Когон шаҳри (4,3 фоиз), Вобкент (3,9 фоиз), Олот (2,9 фоиз) ва Қоровулбозор (1,9 фоиз) туманларига тўғри келди.


Худудлар бўйича корхона ва ташкилотлар сони
(деҳқон ва фермер хўжаликларисиз)

(бирлик)

	01.01.2018 йил ҳолатига рўйхатга олинган	2017 йил январь-декабрда	
		ташкил топди	туғатилди
Вилоят бўйича	16538	2107	1467
<i>шаҳарлар:</i>			
Бухоро	5305	696	496
Когон	549	90	52

	01.01.2018 йил ҳолатига рўйхатга олинган	2017 йил январь-декабрда	
		ташкил топди	тугатилди
<i>туманлар:</i>			
Бухоро	1245	139	83
Вобкент	817	82	58
Жондор	1118	115	84
Когон	827	114	55
Олот	572	62	52
Пешкў	1009	128	95
Ромитан	1191	195	159
Шофиркон	1006	116	112
Қоракўл	826	92	55
Қоровулбозор	295	41	15
Ғиждувон	1778	237	151

**2017 йил январь-декабрда ташкил топган ва тугатилган
корхоналар (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз)**



Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 22,4 фоизи саноат, 15,7 фоизи савдо ва 10,8 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 1467 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 144 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 9,8 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

Кичик корхоналар ва микрофирмалар (бизнес) сони

(бирлик)

	2018 йил Январь ҳолатига рўйхатга олинган	2017 йил январь-декабрда	
		ташқил тонди	тугатилди
Вилоят бўйича	13495	1993	1135
<i>шаҳарлар:</i>			
Бухоро	4503	657	466
Когон	424	88	50
<i>туманлар:</i>			
Бухоро	1046	132	47
Вобкент	618	76	20
Жондор	898	105	57
Когон	707	109	40
Олот	427	56	27
Пешқў	813	120	76
Ромитан	989	190	132
Шофиркон	782	110	78
Қоракўл	607	88	22
Қоровулбозор	206	37	10
Ғиждувон	1475	225	110


VII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР

Вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 866,4 млн.АҚШ долларини ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 121,7 фоизни, шу жумладан, экспорт 197,5 млн.АҚШ долларини, ўтган йилга нисбатан 76,0 фоизни, импорт 668,9 млн.АҚШ долларини, ўтган йилга нисбатан 147,9 фоизни ташкил этди.

2017 йилнинг январь-декабрда МДХ ва бошқа давлатлар кесимида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси (минг АҚШ доллари)

	январь-декабрь		2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
	2016 й.	2017 й.	
Ташқи савдо айланмаси	712167,7	866425,0	121,7
<i>шу жумладан:</i>			
МДХ мамлакатлари	439455,6	574305,9	130,7
бошқа хориж мамлакатлари	272712,1	292119,1	107,1
Экспорт	259845,4	197481,1	76,0
<i>шу жумладан:</i>			
МДХ мамлакатлари	44762,9	44875,9	100,3
бошқа хориж мамлакатлари	215082,5	152605,2	71,0
Импорт	452322,3	668943,9	147,9
<i>шу жумладан:</i>			
МДХ мамлакатлари	394692,7	529430,0	134,1
Бошқа хориж мамлакатлари	57629,6	139513,9	2,4 м.к.

**2017 йил январь-декабрда вилоят ташқи савдо айланмасида МДХ
ва бошқа давлатларнинг улуши**




2017 йилнинг январь-декабрда экспорт-импорти таркиби

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида
	2016 йил январь-декабрь	2017 йил январь-декабрь	2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
Экспорт таркиби	100,0	100,0	76,0
пахта толаси	49,1	47,7	73,9
озиқ-овқат маҳсулотлари	9,1	12,6	105,3
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	0,6	1,2	155,2
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	15,6	13,9	67,7
қора ва рангли металллар	0,6	-	-
машина ва ускуналар	0,4	-	2,7
хизматлар	6,9	8,9	98,3
бошқалар	17,7	15,7	67,1
Импорт таркиби	100,0	100,0	147,9
озиқ-овқат маҳсулотлари	1,5	0,6	56,0


	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида
	2016 йил январь-декабрь	2017 йил январь-декабрь	2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	5,2	3,4	97,1
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	78,8	72,7	136,5
қора ва рангли металллар	1,7	0,9	79,5
машина ва ускуналар	8,2	18,4	3,3 м.к.
хизматлар	0,2	0,1	72,0
бошқалар	4,4	3,9	131,3

Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

2016 йил январь-декабрь



2017 йил январь-декабрь




- Осиё
- Европа
- Бошқа қитъалар

**2017 йилнинг январь-декабрда ташқи савдоайланмасида катта
улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси**

	<i>Вилоят товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида</i>	<i>2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Россия Федерацияси	2,1	96,3
Хитой	3,5	141,2
Туркманистон	0,4	65,2
Эрон	7,0	53,6
Афғонистон	3,2	69,6
Қозоғистон	2,4	108,4
Туркия	0,4	61,6
Украина	0,1	198,9
Жанубий Корея	-	5,9


**2017 йил январь-декабрда МДХ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга
оширилган ташқи савдо таркиби**

Экспорт




Импорт

МДХ давлатлари



Бошқа хориж давлатлари



- Пахта толаси
- Озиқ-овқат маҳсулотлари
- Кимё ва пластмасса маҳсулотлари
- Қора ва рангли металллар
- Машина ва ускуналар
- Хизматлар
- Энергия ресурслари
- Бошқалар

МДХ мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси

	Экспорт		Импорт	
	январь-декабрь		январь-декабрь	
	2017 й.	2016 й.	2017 й.	2016 й.
Жами	44875,9	44762,9	529430,0	394692,7
<i>шу жумладан:</i>				
Россия	18208,8	18913,1	420853,3	283129,7
Қозоғистон	20405,3	18824,9	6606,6	5677,0
Украина	1240,5	623,6	11821,3	4796,3
Туркманистон	3196,6	4903,6	83743,7	97528,5
Белоруссия	139,6	154,5	6182,8	3302,3
Арманистон	-	13,8	-	10,5
Қирғизистон	910,3	317,2	64,2	219,2
Озарбайжон	284,7	495,8	3,0	-
Тожикистон	445,4	504,4	155,1	-
Молдова	44,7	12,0	-	29,2

VIII. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Юк ташиш. 2017 йилда барча транспорт турлари томонидан 68,0 млн.тонна юк ташилган бўлиб, ўтган йилга нисбатан 4,2 фоизга кўпайди.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 1764,5 млн.тн.км.ни ташкил қилди ва ўтган йилга нисбатан 0,2 фоизга кўпайди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	2017 йил январь-декабрь	2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	68,0	104,2
<i>шу жумладан:</i>		
автомобил транспортида	68,0	104,2
Юк айланмаси, млн. тн-км	1764,5	100,2
<i>шу жумладан:</i>		
автомобил транспортида	1764,5	100,2

Хусусий юк ташувчилар юк айланмаси 2016 йил январь-декабрга нисбатан 103,5 фоизга кўпайди ва 1000,4 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 56,7 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-декабрда 54,9 фоиз).

Йўловчи ташиш. 2017 йил январь-декабрда барча транспорт турлари томонидан 278,4 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,9фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 2,5 фоизга кўпайиб, 9512,7млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси

	2017 йил январь-декабрь	2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	278,4	102,9
<i>шу жумладан:</i> , автомобил транспортида	278,4	102,9
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	9512,7	102,5
<i>шу жумладан:</i> , автомобил транспортида	9512,7	102,5

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2016 йил январь-декабрга нисбатан 102,4 фоизга кўпайди ва 8711,6 млн. йўловчи-км.ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 91,6 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-декабрда 91,7фоиз).

IX. ХИЗМАТЛАР

Иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва самарали бандлигини таъминлашда хизматлар соҳасининг ҳар томонлама ривожланиши муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий ўсишни таъминлаш учун хизматлар соҳасини жадал ривожлантиришни энг муҳим вазифалардан бири сифатида кўйишмоқда.

Хизматлар соҳаси аҳолининг барча қатламларини қамраб олади ва жамиятда содир бўлаётган деярли барча ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатади, бу эса мазкур масаланинг қанчалик муҳим ва аҳамиятли эканлигини кўрсатиб беради.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси

	<i>млрд. сўм</i>	<i>2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>	<i>Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Жами	6581,0	100,4	100,0
<i>шу жумладан: мулкчилик шакллари бўйича</i>			
давлат мулки	1,9	127,3	-
нодавлат мулки	6579,1	100,7	100,0
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	5302,4	97,3	80,6

Расмий сектордаги уюшган савдо корхоналарининг савдо айланмаси ҳажми жорий йилда 1847,2 млрд. сўмни ташкил қилиб, 2016 йил январь-декабрга нисбатан 114,5 фоизни ташкил қилди.

Норасмий секторнинг (буюм бозорлари ва ихтисослаштирилган бозорлар) товар айланмаси 4733,8 млрд. сўмни ташкил қилди ёки 2016 йилнинг январь-декабрга нисбатан 4,2 фоизга камайган. Товар айланмасининг умумий ҳажмида унинг улуши 71,9 фоизни ташкил қилди.

2017 йил январь-декабрдасавдо айланмаси таркиби қуйидагича фодаланади

	<i>млрд. сўм</i>	<i>2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>	<i>Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Товар айланмаси	6581,0	100,4	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
уюшган савдо корхоналари	1847,2	114,5	28,1
уюлмаган савдо	4733,8	95,8	71,9

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 204,8 млрд. сўмга етди ёки 2016 йил январь-декабрга нисбатан 75,2 фоизни ташкил қилди.

2017 йил январ-декабрдаиктисодий фаолият турлари бўйича хизматлар ҳажми 5364,1 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан, қишлоқ жойларида 1511,8 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 28,2 фоизини ташкил қилди. 2016 йил январь-декабрга нисбатан ҳақиқий ўсиш 103,6 фоизни ташкил этди.

2017 йил январь-декабрь ойида кўрсатилган хизмат турлари бўйича (амалдаги баҳоларда) қуйидагича ифодаланади:

	<i>млрд. сўм</i>	<i>2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>	<i>яқунга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Жами хизматлар	5364,1	103,6	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	315,0	114,5	5,9
Молия хизматлари	463,7	121,2	8,6
Транспорт хизматлари	1539,7	102,7	28,7
Яшаш ва овқатланиш хизматлари	224,8	80,8	4,2
Савдо хизматлари	1765,9	100,2	32,9
Кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	155,8	102,5	2,9
Таълим хизматлари	218,1	132,5	4,1
Соғлиқни сақлаш хизматлари	96,9	106,5	1,8

	млрд. сўм	2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Ижара ва прокат хизматлари	146,7	100,7	2,7
Компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	138,3	101,7	2,6
Шахсий хизматлар	121,4	100,3	2,3
Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	43,6	100,5	0,8
Бошқа турдаги хизматлар	134,2	105,3	2,5

Хизмат кўрсатишда энг катта улуш савдо (32,9 фоизи), транспорт (логистик хизматлар билан бирга) (28,7 фоизи), молиявий (8,6 фоизи), алоқа ва ахборотлаштириш (5,9 фоизи), яшаш ва овқатланиш (4,2 фоизи) ва таълим (4,1 фоизи) хизматларга тўғри келди.

Молия хизматлари, банк, суғурта ва молиявий лизинг хизматларини ўз ичига олган ҳолда ўтган йилга нисбатан (21,2 фоизга кўп), таълим хизматлари (32,5 фоизга кўп), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари, уяли алоқа, “Интернет” тармоғидан фойдаланиш, кабель телевизион алоқаси, почта ва электрон алоқа хизматларини ўз ичига олган ҳолда (14,5 фоизга кўп), ўсиш юқори бўлди.

2017 йил январь-декабрда бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари



X. ДЕМОГРАФИЯ ВА МЕҲНАТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 1870,0 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 26435 кишига ёки 1,4 фоизга кўпайди.

2017 йил январь-декабрь ҳолатида аҳолининг табиий ҳаракати

	киши			ҳар 1000 кишига	
	2016 й.	2017 й. ¹⁾	ўсиш, камайиш	2016 й.	2017 й. ¹⁾
Туғилганлар	38297	37172	-1125	20,9	20,0
Ўлганлар	8013	8365	352	4,4	4,5
Табиий ўсиш	30284	28807	-1477	16,5	15,5
Никоҳлар	15790	16329	539	8,6	8,8
Ажралишлар	1633	1823	190	0,9	1,0

2017 йилнинг январь-декабрда туғилганлар сони 37172 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (38297 киши) нисбатан 1125 тага камайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 20,0 промиллени ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (20,9 промилле) нисбатан 0,9 промиллега камайди.

Туғилиш даражасининг камайиши вилоятнинг Ғиждувон (23,1 дан 21,0 промиллега), Бухоро (19,5 дан 18,7 промиллега), Жондор (22,1 дан 20,7 промиллега), Қорақўл (22,0 дан 21,0 промиллега), Олот (22,9 дан 20,9 промиллега), Вобкент (21,4 дан 20,5 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлим даражаси. 2017 йилнинг январь-декабрда ўлганлар сони 8365 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (8013 киши) нисбатан 352 тага кўпайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 4,5 промиллени ташкил қилди (2016 йил январь-декабрда – 4,4 промилле).

Ўлганлар сонининг кўпайиши Бухоро шаҳрида (4,8 дан 5,0 промиллега), Олот (4,3 дан 4,7 промиллега), Пешкў (3,9 дан 4,1 промиллега), Қорақўл (4,4 дан 4,5 промиллега), Жондор (4,0 дан 4,2 промиллега), Шофиркон (4,3 дан 4,5 промиллега) туманларида кузатилди.

Никоҳлар ва ажралишлар. 2017 йилнинг январь-декабрда ФХДЁ органларида 16329 та никоҳлар ва 1823 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 8,8 та никоҳ (2016 йилнинг тегишли даврида – 8,6 та) ва 1,0 та ажралишлар (2016 йилнинг тегишли даврида – 0,9 та) тўғри келади.


Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-декабрь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 6738 кишини, шу давр мобайнида

¹⁾ дастлабки маълумот

кўчиб кетганлар сони эса 9155 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 2417 кишига (2016 йилнинг шу даврида - минус 1973 киши) тенг бўлди.

Энг катта минус қолдиқлар Бухоро шаҳрида (минус 1926), Когон шаҳрида (минус 296), Ёрғин (минус 182) туманларида кузатилди.

2017 январь-декабрь ҳолатида аҳолининг табиий ҳаракати (ҳар 1000 кишига)




Меҳнат ресурсларининг сони дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йил январь-декабрга нисбатан 0,8 фоизга кўпайиб, 1074,0 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 57,4 фоизини ташкил қилди.

2017 йил январь-декабрда бандликка кўмаклашувчи марказларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб, 16874 нафар фуқаро мурожаат қилди. Иш қидириб мурожаат этганлар Бухоро (2624 кишига), Когон (1352 кишига) шаҳарларида, Ёрғин (1916 кишига), Шофиркон (1761 кишига), Қорақўл (1480 кишига), Вобкент (1208 кишига), Бухоро (1546 кишига) ва Ромитан (1051 кишига) туманларида кўп.


Бандликка кўмаклашувчи марказларига мурожаат қилган фуқаролардан 15129 нафари ишга жойлаштирилди. Айниқса ушбу кўрсаткич, Бухоро (2400 киши) Когон (1311 киши) шаҳрида, Шофиркон (1617 киши), Ёрғин (1623 киши), Қорақўл (1413 киши), Вобкент (1174 киши) ва Ромитан (1007 киши) туманларида юқори даражада бўлди.

Ўтган давр мобайнида бандликка кўмаклашувчи марказларида рўйхатга олинган фуқаролардан 710 нафари ишсизлик мақомини олган.

Меҳнат ресурслари ва аҳолининг иш билан бандлиги¹⁾ (2017 йил январь-декабрь, минг киши)




Доимий аҳоли сони¹⁾(2018 йил 1 январь ҳолатига, минг киши)



¹⁾дастлабки маълумот


Тузилган никоҳлар сони ¹⁾(январь-декабрь ойларида)

(бирлик)



Никоҳдан ажралишлар сони ¹⁾(январь-декабрь ойларида)

(бирлик)



¹⁾Дастлабки маълумот